ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

12 Ваколатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўгрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2437-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида» ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўгрисида» ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Валютани тартибга солиш тўгрисида» ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда) қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ−1914-сон «Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги карорига

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.



— 181 —

1 (605)-сон 12-модда

(Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2013 й., 6-сон, 66-модда) мувофик Марказий банк Бошкаруви карор килади:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/7-сонли қарори (руйхат рақами 2437, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 158-модда) билан тасдиқланган Ваколатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўгрисидаги низомга иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2013 йил 21 декабрь, 26/3-сон

> **У**збекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 21 декабрдаги 26/3-сонли қарорига ИЛОВА

Ваколатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўгрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

- 1. 70-банднинг иккинчи хатбошисидаги «1000» рақами «100» рақами билан алмаштирилсин.
- 2. 88-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 89, 90 ва 91-бандлардаги «100» рақамлари «25» рақамлари билан алмаштирилсин.

